

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Л. Бегимқулова	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннахрдан кўчиши ҳамда	
унга таъсир қилган омиллар.....	171
Ш.Рискулов	
ХIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги	
геосиёсий вазият.....	174
А.Нишонов	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳокими.....	179
С.Мўминов, Н.Кўлдашев	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
Ф.Маматқулова	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
Ш.Низамова	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
М.Нуъмонжонова	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
С.Хақназарова	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзарапари.....	196
М.Хамидов	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
Г.Ҳимматова	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
И.Доронина	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос	
хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
Э.Гиздулин	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
Г.Розиқова, Э.Маруфова	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
Д.Юлдашева	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида	
лингвистик гешталт хусусида.....	214
Н.Умарова, Х.Фаттоҳов	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
Н.Расулова	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
М.Сайдова	
К.Болдиқнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли	
оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
Н.Каримова	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мuloқotда новербал мuloқot турлари.....	231
Н.Турсунова	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
Ф.Анварова	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида	
тутган ўрни.....	238
Ф.Раҳматов, М.Аҳмаджонов, М.Мирзарахимов	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида	
Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003)	246

**ХАРАКТЕР РУХИЯТИ ПСИХОЛОГИЗМИ
(Күчкор Норкобил ижоди мисолида)**

**ПСИХОЛОГИЗМ ДУШЕВНОГО СОСТОЯНИЯ ХАРАКТЕРА
(на примере творчества Кучкора Норкобила)**

**SPIRITUAL PSYCHOLOGY OF THE CHARACTER
(on the example of the works of Kuchkar Narkobil)**

Г.Химматова¹

Г.Химматова

— Термиз даёлам университети мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мазкур мақолада Қ.Норкобил ҳикояларыда характерлар рухиятида психологизм масалалари тадқиқ этилган. Унда “Осмон остидаги сир” ва “Босинқираш” ҳикоялари ўрганилган.

Annotation

В статье исследуются вопросы психологизма в психике персонажей рассказов К. Норкобила. В ней изучены рассказы «Тайна под небом» и «Вторжение».

Annotation

The article examines the issues of psychology in the psyche of the characters in the stories of K. Norkobila. He examines the stories "Mystery Under the Sky" and "Invasion".

Таянч сўз ва иборалар: ҳикоя, психологизм, эврилиш, қаҳрамон, уруш.

Ключевые слова и выражения: рассказ, психологизм, эволюция, герой, война.

Keywords and expressions: story, psychologism, evolution, hero, war.

Психологизм – бадий адабиётнинг энг муҳим компонентларидан бири. Адабиётшуносликда бадий ижода психологиям муаммоси кенг ўрганилган.

А.Б.Есинга кўра, “Психологизм – бу, адабиётнинг ўзига хос воситалари кўмагида хаёлий (тўқилган) шахс (адабий персонаж) ҳистойғу, фикр ва кечинмаларини етарлича тўлиқ, батафсил ва чукур қилиб тасвирилаш”dir [2,18]. Л.Я.Гинзбургнинг таъкидлашича, “Бадий психологизм қаҳрамоннинг ўзини тутишидаги хаёлга ҳам келмаган, ногаҳоний, тасодифий қарама-қаршиликлардан бошланади” [1,300]. В.В.Компанеец эса шундай таърифни келтиради: “Асарда психологик таҳлилнинг пайдо бўлиши унинг шакли ва типологияси кўпинча ёзувчи дунёқарашига, мақсадига, истеъоди ва шахсий фазилатларининг характеристига, асардаги вазиятга қарамадир. Айни чоғда, афтидан, психологик таҳлилни онглийка асосланган эстетик принцип сифатида баҳолай туриб, унинг у ёки бу хусусиятлари сўз рассоми томонидан атай танланганлигини нисбийлаштириш шарт эмас” [5,47].

А.Иезуитов адабиётда психологизм тушунчасининг кўп маъноли эканлигини қайд этади. У бу муаммони атрофлича ўрганар экан,

куйидаги хуносаларга келади: 1) сўз санъатининг туғма белгиси, унинг узвий хусусияти, бадииятининг исботи...; 2) бадий ижод маҳсули, муаллиф, унинг персонажлари ва янада кенгроқ – ёзувчи шахсияти ва у яратган қаҳрамонлар образи орқали очиладиган жамият психологиясининг (синф, табака, ижтимоий гурӯҳ, давр ва ҳ.к.) ифодаси ва акси...; 3) онгли ва белгиловчи эстетик тамойил” [4,30].

Р.Уэллек ва О.Уорренларнинг “Адабиёт назарияси” китобида “адабиёт психологияси” атамаси келтирилади. Унга кўра, “у ёки бу бадий асар яратилишининг психологик типологияси ва қонуниятларини ўрганишни тушуниш мумкин”. Бинобарин, “Бадий психологизм – бу, қаҳрамонларнинг ғоявий-психологик изланишларини ўзида мужассам этган бадий шакл, инсон характеристининг шаклланишини, шахс дунёқарашибадиги асосларни адабиёт томонидан ўзлаштирилиш шаклидир. Психологизмнинг маърифий муаммовий ва бадий қиммати, энг аввало, шунда кўринади” [9,95].

С.Л.Рубинштейн бадий асарда инсон рухиятининг тасвири ҳақида шундай дейди: “Сўз санъаткорлари қаҳрамон психологиясини тасвиirlар экан, айнан унинг (қаҳрамоннинг)

кечинмалари – камолотга эришишдаги индивидуал йўлини ҳаётининг бурилиш паллалари сифатида ёритишга интилишлари бекиз эмас. Иттифоқо, инсон кечинмалари – бу, унинг реал ҳаётининг субъектив томони, шахс умр йўлининг субъектив аспектидир” [8,13].

Д.Куронов ва б. томонидан тузилган “Адабиётшунослик луғати”да бадий психологизмга қўйидагича тъериф берилган: “Бадий психологизм – бадий асарда тўлақонли инсон образини яратишнинг мухим воситаларидан бири; персонаж руҳиятининг очиб берилиши, хатти-харакатлари ва гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши, шу мақсадларга хизмат қилувчи усул ва воситаларнинг жами. Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвиirlab бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларининг “ички монолог”, “онг оқими” тарзида ёки муаллиф тилидан (ўзиники бўлмаган муаллиф гапи) баён қилиниши психологик тасвиirlarning бевосита шакли ҳисобланади. Асадаги персонаж руҳиятининг унинг хатти-харакатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари (мимикаси), ундаги физиологик ўзаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши эса билвосита психологик тасвиirdir. Руҳий тасвиirlarning бу икки кўриниши бир-бирини тўлдиради, шу боис муайян персонаж руҳиятини тасвиirlashaда ёзувчи буларнинг иккисидан ҳам ўрни билан фойдаланади. Шунингдек, персонаж руҳиятини очишда ёзувчи табиат тасвиридан ёки бошқа бирор нарса образидан фойдаланиши мумкин бўладики, бу ҳам билвосита психологизмнинг бир кўринишидир” [10,48].

Айниқса, уруш мавзусида яратилган асарларда психологизм мухим тушунчага айланади. Бундай асарларда инсоннинг руҳий кечинмалари яққол кўринади. Уруш иштирокчиси бўлган қаҳрамон руҳиятидаги психологизм муаммосини тадқиқ этиш орқали бадий адабиётда бу муаммонинг психопоэтик нуқтаи назаридан ўрганиш ва хуласалар чиқаришга имкон беради.

Кўчкор Норқобилнинг ўзи ҳам уруш қатнашчиси бўлганлиги, унинг бутун фожиа ва даҳшатларини бошидан кечирганлиги боис асарларидаги воқелик, айниқса, персонажнинг ботиний олами, руҳий ҳолати бор бўй-басти билан намоён бўлади. Уруш инсонга жисмоний нуқсон, жароҳатдан ҳам кўра кўпроқ руҳий асоратларни қолдиради. “Осмон остидаги сир” ҳикоясидаги мана бу парча фикримизни исботлайди: “Тўлқин танк у ёқда, дарё ортида

хизматни ўтаб қайтгандан сўнг бир замон ҳардамхаёл бўлиб юрди. Элга эш, қарига ёш бўлолмади. Одамовиликни орттириб келди. Узиям тамакини кетма-кет, орадан шамол ўтказмай паровоздай тутатарди. Бир нуқтага термулиб тураверарди. Эл-элдош, қавм-қариндошдан бегонасираб, ҳаёлпаст бўлиб қолган йигитни отаси Раҳим полvon кўп жойларга олиб бориб даволатди. Энаси Майрам момо эскичилек деди, сув деди, ўт деди, чилтон деди, жин деди, олиб бориб ўқитмаган мулласи, силатмаган кинначиси қолмади” [6,43].

Ҳардамхаёллик, одамовилик инсоннинг руҳиятида бўладиган ўзаришларнинг кўринишидир. Тўлқин танкнинг ҳолатини тушуниш мумкин. Чунки у урушнинг бутун даҳшатини бошидан кечирган. Маълум вақт ўтгач, яъни у одамлар орасига қўшилади. Ҳардамхаёллиги барҳам топади: “Дўхтирдан бўлдими, табибдан бўлдими, Тўлқин танк элга қўшилди, ранг-рўйи ўзариб, одам сиёғига қайтди, тўй-томушаларга чиқадиган бўлди, қони тортиб яна тўйларда кураш туша бошлади, от изини той босди – Раҳим полvon тўй-маъракада хотиржам оёқ узатиб ўтирадиган бўлди” [6,39].

Албатта, Тўлқин танқдаги ўзаришларга дўхтир ёки табибдан кўра, элга қўшилгани сабаб. Вақт ва одамлар Тўлқин танкка уруш даҳшатларини унутишга кўмак беради. Қолаверса, унинг уйланиши, қишлоқда тракторчилек қилиши ҳам Тўлқин танкнинг ҳаётини изга туширади. Аммо фарзандсизлик унинг бир маромдаги ҳаётини издан чиқаради, ботинини ағдар-тўнтар қиласди:

“Тўлқин танк одамлардан яна ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Гўёки ҳамма унга қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандай туйиларди. Олдинги одамовилигига қайтди. Яна қора ўй-хаёллар ғужғон ўйнаб, бошида оғриқ қўзғала бошлади. Кечалари алаҳисб ухлай олмади. Кўзи илинди дегунча сонсаноқсиз танклар босиб келаверар, қиёматқоим жанг майдонида қолиб кетарди, гоҳида гўдагини бағрига босиб югураётган Хайринисони соч-соқоли ўsic, саллали, қурол тутган кишилар қувиб боришар, ушлаб ўртага олишар, шафқатсизларча отиб ташлашар эди. Баъзида аллақаерлардан пайдо бўлган болакай Тўлқин танкка қараб чинқириб югурар, навқирон пайтида ўзи жанг қилган Чорикор чангальзорлари, Погман ва Гардез тоғлари, Қандаҳор чўлларидами, қаердадир ўша югуриб юрган болани ҳимоя қилиш учун кўксини ўққа тутар, югурай деса зил-замбил оёқлари ўзига

ИЛМИЙ АХБОРОТ

бўйсунмас эди. Бундай пайтларда бақириб уйғониб кетарди” [7,43].

Ҳар биримиз туш кўрамиз. Баъзан даҳшатли тушдан уйғониб кетамиз. Гоҳи кўрган даҳшатли тушимииздан бир ёки бир неча кун ўзимизга келмай юрамиз. Кейин эса ҳаётий ташвишлар асносида уни тез унутамиз. Бу ҳолатга доимо учрайвермаслик мумкин. Умуман, бу инсон ҳаётидаги оддий ҳодисадир. Аммо юқоридаги ҳикоядаги парчада Тўлқин танқдаги айни ҳолатнинг тез-тез такрорланишида унинг руҳиятидаги эврилишларни кўриш мумкин.

Туш оңг ости, инсоннинг руҳий кечинмаларининг ифодасидир. Зигмунд Фрейд тушлар ҳақида шундай ёзади: “Туш ҳақидаги менгача бўлган турлича талқинлардан қатъи назар, тушнинг мураккаб ва тушункисиз дунёси остида муайян маъно ётади. Фақат маъно қулфи аниқ талқин йўли билан очилиши мумкин. Талқин методи шунга асосланади, хотирада сақланиб қолган туш мазмуни ё бошқа мазмун билан чамбарчасликда ёпиқ қулфга нисбатан калит бўлади ёки тушнинг бир бутун мазмуни яширин мазмун учун символ вазифасини ўтайди” [3,45].

Эрих Фроммнинг фикрича: “Аксарият тушларга хос умумийлик шундаки, улар уйғоқ оңг мантиқини, қонун-қоидаларини тан олмайди. Тушда замон қонуниятлари ўз маъносини йўқотади. Чунки тушда биз қачонлардир вафот этган одамлар билан мулоқотга киришамиз, ўтмишда бўлган воқеаларга гувоҳ бўламиш ёки вақт нуқтаи назаридан катта фарққа эга бўлган икки мустақил воқеанинг бир замон ичиди содир бўлганини кузатамиш. Шунингдек, маконаларга хос қонун-қоидалар ҳам тушда ўз қийматини йўқотади. Биз энг кичик лаҳза ичиди улкан макон чегараларини босиб ўтамиш ёки бир пайтнинг ўзида бир неча маконда “мавжуд” бўлишимиз мумкин. Тушда икки олам бир

кишида ва айни пайтда бир одам икки кишида намоён бўлиши ёхуд бир киши тамоман бошқа кишига айланиб қолиши ... уйғоқлиқда мутлақо хаёлга келмаган кишилар, воқеалар, билим ва тажрибалар тушда кашф этилиши мумкин” [3,45].

Уруш шароитида шаклланган киши тинч ҳаётга мослаша оладими? Бу ерда, эҳтимол, Биринчи жаҳон урушидан кейин “йўқолган авлод” деб номланган тажрибани ва замонавий тиббиётда кенг тарқалган “аффон синдроми” атамасини эслаш ўринли бўлар эди. Бу, урушдан қайтиб келган одам дунёда ўз ўрнини топа олмаслигини англатади. Масалан, Андрей Дайшевнинг “Икки юзинчи” романининг қаҳрамони, урушдан қайтаётган Валерий Герасимов ўзини бу дунёда мутлақо бегона ҳис қиласди: яқин одамлар уни тушунмайдилар, ҳамма жойда у хавфни ҳис қиласди, ўтаётган ҳар бир одамда душман излайди.

Қ.Норқобилнинг “Босинқираш” ҳикоясида мана бу парча ҳам уруш иштирокчисининг ички кечинмаларини ифодалайди: “Баъзизда урушни соғинаман... Ишонинглар, одамлар, тоғларга чиқиб кимларнидир отгим келади. Тасаввур қилолмайсиз, жангдан ҳорғин қиёфада, соғ-омон қайтиш, қўркув даҳшат билан ўлим сари интилиш, ҳеч нарсани англаш маҳол, бамаъно, сўниқ қиёфаларни кўз олдимга келтириш менга хузур бағишлайди” [7,293].

Инсон руҳиятини тасвир қилиш, кечинмаларини ифодалаш ёзувчининг бадиий маҳоратини кўрсатувчи мухим ўлчовлардандир. Кўчкор Норқобил ижодида кўпроқ инсон руҳиятининг турфа манзараларини акс эттириш етакчи ўринда туради. Урушнинг инсон руҳиятига таъсири масалалари адабиётшунослигимизда ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Шу жиҳатдан Қ.Норқобил ижодида психологиям муваммосини ўрганиш мухим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. – Л.: Советский писатель, 1971.
2. Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1988.
3. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006.
4. Иезуитов А. Н. Проблемы психологизма в эстетике /литературе. // Проблемы психологизма в советской литературе. – Л.: 1970.
5. Компанеец В.В. Художественный психологизм в советской литературе. (1920-е годы) – Л.: Наука, 1980.
6. Норқобил Қўчкор. Осмон остидаги сир / Самодил: ҳикоялар. – Т.: Янги аср авлоди, 2018.
7. Норқобил Қўчкор. Босинқираш / Қуёшни ким уйғотади?: Қиссалар, ҳикоялар. – Т.: Шарқ, 2007.
8. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2000.
9. Уэллек Р. и Уоррен О. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978.
10. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Қайта нашр. – Т.: Akademnashr, 2013.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).